
Мактабларда кузги таътил мароқли ўтмоқда

11 ноябрь - Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни муносабати билан тумандаги 43- умумий ўрта таълим мактабида турли спорт мусобақалари бошланди. Шу муносабати билан ўтказилаётган спорт ўйинларида иштирокчилар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, кузги таътил вақтида тумандаги таълим муассасаларида турли тўгараклар, ўқитувчилар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка тури бўйича мусобақалар ташкилланмоқда.

48-умумтаълим мактаби ўқувчилари эса “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида Фарғона шахрининг турли диққатга сазовор жойларига саёҳат қилишди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-11-05 18:00:36